ГУЛБАНДЛИ КИЙИКЎТ (*Ziziphora pedicellata* Pazij et Vved) ЎСИМЛИГИНИ БИОЛОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

БИОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЗИЗИФОРА ЦВЕТОНОЖЕЧНАЯ (*Ziziphora pedicellata* Pazij et Vved)

BIOECOLOGICAL ASPECTS OF ZIZIPHORA PEDICELLATA (*Ziziphora pedicellata* Pazij et Vved)

Сирожиддинов Жавоҳир Жамолиддин ўғли
Тошкент давлат аграр университети доривор ўсимликлар кафедраси таянч докторанти
Эшонқулов Жамолиддин Сапорбой ўғли
Тошкент давлат аграр университети деҳқончилик ва мелиорация кафедраси профессори
Аясов Хушбек Ғайбуллаевич
Тошкент давлат аграр университети доривор ўсимликлар кафедраси доценти
Якубов Шамшод Муртозакулович
Тошкент давлат аграр университети доривор ўсимликлар кафедраси доценти

АННОТАЦИЯ

Тошкент воҳаси иқлим ва тупроқ шароитларида кийикўт ўсимлигининг етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш жуда муҳим илмий иш бўлиб, мазкур ўсимликни маданийлаштириш ва хўжалик томарқа ерларида экиб кўпайтириш ҳамда етиштириш имкониятлари мавжуд бўлиб, олиб борилган изланишларнинг дастлабки натижаларига кўра, бу ўсимликни табиатда камайиб боришидан асрайди ва аҳолини тоза сифатли кийикўт доривор ўсимлигига бўлган эхтиёжини қондиришга замин яратади.

Калит сўзлар. *Ziziphora pedicellata* Pazij et Vved, биоэкология, кўпайтириш, агротехнология, етиштриш, табиат, доривор ўсимлик.

АННОТАЦИЯ

Разработка агротехнологии выращивания растения зизифоры в климатических и почвенных условиях Ташкентского оазиса является очень важной научной работой. Существует возможность окультуривания этого растения, выращивания и размножения его на приусадебных участках. Согласно предварительным результатам проведённых исследований, это растение можно сохранить от исчезновения в природе и создать основу для удовлетворения потребности населения в чистом и качественном лекарственном сырье зизифоры.

Ключевые слова. Ziziphora pedicellata Pazij et Vved, биоэкология, размножение, агротехнология, выращивание, природа, лекарственное растение и др.

ANNOTATION

The development of cultivation agrotechnology for the Ziziphora plant under the climatic and soil conditions of the Tashkent oasis is a very important scientific task. There is potential to domesticate this plant, cultivate and propagate it on household plots. According to the preliminary results of the conducted research, this plant can be

protected from declining in nature and can help meet the population's demand for clean and high-quality medicinal Ziziphora.

Key words. Ziziphora pedicellata Pazij et Vved, bioecology, propagation, agrotechnology, cultivation, nature, medicinal plant.

Кириш. Республикамизда айни пайтда доривор ва зиравор ўсимликлар соҳасини ривожлантиришга ҳамда маданий ҳолда кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда этиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида»ги 2020-йил 17-апрелдаги ПҚ-4670-сон қарори [1]. Шунинг билан бирга «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020-йил 26-ноябрдаги ПҚ-4901-сонли қарори имзоланган [2].

Мазкур қарорларда доривор ўсимликлар етиштириш, кўпайтириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини интегратциясини таъминлаш назарда тутилган.

Ҳозирги замон талаби кўп қиррали (доривор, озиқ-овқат, зиравор) ўсимликларни етиштириш ва уларни хом-ашё базасини яратишни тақоза этмоқда. Шундай ўсимликлардан бири кийикўт ўсимлиги (*Ziziphora pedicellata* Pazij et Vved) ҳисобланиб, у ўзининг дориворлик хусусиятлари ва маҳаллий ҳалқ табобатида артериал қон босимларини пасайтиришда, пешоб ҳайдовчи дори, буйрак, юрак, жигар ва ошқозон-ичак хасталикларини даволашда кенг ишлатилиши билан алоҳида эътиборга молик.

Кийик ўти (Ziziphora) тукуми лабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик бўлиб, Республикамизда бу туркумнинг 7 тури учрайди. Маҳаллий аҳоли кийик ўтини "кўк ўти", "бўйи нон" каби турли номлар билан ҳам аташади. Кийик ўти баландлиги 40см гача етадиган ўсимлик бўлиб, пояси кўп, асоси ёғочланган, бироз эгилган, ингичка, серновдали, майин тукчалар билан қопланган. Кийик ўти барги наштарсимон, понасимон, ўткир учли, тукли ёки момиқ тукчалидир. Поя ҳамда новдачалари учидаги гуллари бандли, майин тукчали бўлиб, тўпгул шаклида жойлашган. Гултожибарги 7-8 мм, оч гунафша рангли, хушбўй, июн ва июл ойларида гуллайди, уруғи июл-сентябр ойларида етилади. Кийик ўти тоғли ҳудудларнинг асосан шимолий ва жанубий ён бағрларидаги шағалли ва тошли, соз ва қўнғирсимон тупроқли жойларда, денгиз сатҳидан 2400м баландликкача бўлган жойларда учратиш мумкин. Кийик ўти асосан Угом, Чотқол, Пском, Қурама ва Қоржонтоғда, Зарафшон, Туркистон, Нурота ва Ҳисор тоғ тизмаларида кенг жумладан Республикамизнинг Тошкент, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли туманларида ўсади. Жиззах вилоятининг Зомин, Бахмал ва Фориш туманларида кенг тарқалган. Мазкур ўсимликнинг "Кийик ўти" деб аталишининг асосий

сабабларидан бири, бу кийикларнинг, бурама шохли ёввойи тоғ эчкилари “мархўр”нинг ва ёввойи тоғ қўйлари “алқор”нинг севимли озуқаси ҳисобланади.

Кийик ўти ўзининг турли хил витаминларга бойлиги билан алоҳида қадрланади. Ўсимликнинг ер устки қисмида 2,5%гача эфир мойлари, С, Е, А витаминлари мавжуд. Бундан ташқари ўсимликнинг таркибида кўпгина макро ва миркоэлементлар мавжудлиги тўғрисида адабиётларда маълумотларни учратиш мумкин.

Ҳозирги кунда ҳам кийикўт ўзининг шифобахшлик хусусиятлари ва хўжалик аҳамиятлари бўйича юқори ўринларни эгаллайди. Бу ўсимлик нафақат зиравор ўсимлик сифатида, балки доривор ўсимлик сифатида ҳам маҳаллий ҳалқ тамонидан фойдаланиб келинмокда. Кийикўт дамлама сифатида истеъмол қилганда, энг асосийси қон босимини пасайтирадиган, юракка қувват берадиган тинчлантирувчи таъсирга эга. Юрак тож томирларини кенгайтиради, буйракда қон айланишини кучайтиради ва сийдик ажралишини кўпайтилади [3]. Ўсимлик халқимизга азалдан маълум ва машҳур бўлсада, аммо фанда, маълум вақтгача кўпайтириш ва етиштириш агротехнологияси бўйича етарлича тадқиқодлар олиб борилмаган. Бунинг асосий сабаби ўсимликнинг биоэкологик хусусиятини ўзига хослиги билан изоҳланади.

Сўнги йилларда ўсимликни маҳаллий халқ орасида катта қизиқиш уйғотиши ва адабиётлардаги маълумотларни турлича эканлигини инобатга олган ҳолда, биз ҳам мазкур ўсимликни биоэкологик хусусиятлари ва етиштириш агротехнологиясини атрофлича ўрганишни маъқул кўрдик.

Илмий изланишларимиз Тош ДАУ тажриба ер майдоларида олиб борилиб, изланишларимизнинг (2025 йил март ойининг I-декадаси) дастлабки йилларида кийикўт (*Ziziphora pedicellata* Pazij et Vved) ўсимлигининг табиий шароитдаги биоэкологик хусусиятлари ва кўпайиш усулларига алоҳида эътибор қаратилди.



1-расим *Ziziphora pedicellata* Pazij et Vved *ўсимлигининг табий тарқалган жой*

Ўсимлик Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Хумсон қишлоғи, Чотқол (Тошкент вилояти Паркент тумани Кумушкон қишлоғи) ҳамда Жиззах вилояти Фориш тумани тоғ этакларда олиб келинди ва агротехник тадбирлар олиб борилмоқда. Олинган дастлабки маълумотларга кўра, ўсимлик табий шароитда (Хумсон қишлоғи денгиз садҳидан 1036м, Кумушкон қишлоғида 1045м ва Фориш туманида 950м баландликда) тоғ ёнбағрларида, қумлоқ ерларда, бутазорлар орасидаги ялангликларда ва соя-салқин жойларда ҳамда барг ва ўт чириндиларига бой бўлган тупроқларда ўсади.

Ўсимликнинг табиий шароитда биоэкологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган дастлабки кузатишлар, мазкур ўсимликни бошқа эфимер ва эфимероид (бир ва кўп йиллик) ўсимликлар жамосида бирга ўса олиш хусусиятларига эга эканлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, мазкур ўсимликни табиий шароитларда генератив (уруғидан) ва вегетатив (илдизпоя) органлари орқали кўпайиш хусусиятларига эга эканлиги кузатилди.

Кийикўт ўсимлигининг биоэкологик хусусиятлари ва маданий ҳолда кўпайтириш усуллари борасида илмий адабиётларда маълумотлар кам учрайди ва атрофлича ёритилмаган.

Юқорида қайд этилган маълумотлардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, шифобахш ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган мазкур ўсимликни атрофлича (биоэкологик хусусиятлари, кўпайтириш ва етиштириш агротехникасига доир маълумотларни) ўрганиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Эндиликда, бу ўсимликни Тошкент воҳаси ва Тошкент шароитлари иқлим ва тупроқ шароитларида кўпайтириш усуллари ва етиштириш технологиялврини ишлаб чиқиш борасида илмий изланишлар режалаштирилган.

Хулоса. Мазкур ўсимликни маданийлаштириш, ихтисослашган Давлат ўрмон ва фермер хўжаликлари, хўжалик томарқа ерларида экиб кўпайтириш борасида илмий ва амалий ишлар олиб бориш муҳим амалий аҳамият касб этиб, бу эса ўсимликни табиатда камайиб боришдан асрайди. Шунингдек, аҳолини ўсимлик хом ашёсига бўлган эхтиёжини қондиришга замин яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёввойи ҳолда ўсувчидоривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда этиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида»ги 2020-йил 17-апрелдаги ПҚ-4670-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020-йил 26-ноябрдаги ПҚ-4901-сон қарори

3. Арабова Н.З., Ёзиев Л.Х. Доривор Ўсимликлар – Ташкент, 2017. - 80 б.

4. Исаев Й. Абу Али Ибн Сино. –Т.:Тафаккур, 2011. - 95 б.

5. Камелин Р.В. Флорогенетический анализ естественной флоры горной Средней Азии. Л.: Наука, 1973. - С. 356.

6. Каримов У., Ҳикматуллаев Ҳ. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Тошкент:Халқ мероси, 1994. - Б. 303.

7. Лавренова Г.В. Лекарственные травы. Травы, дарующие здоровье. –М.: Терра, 1996. Т.1.